

КОРХОНАНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА ХИЗМАТ ВА ТИЖОРАТ СИРИ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ

Камалов Ойбек Ахматович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар

вазирлиги Академияси сиртқи таълим факультети бошлиғи
юридик фанлари доктори, профессор

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг обьекти корхона таркибида хизмат ва тижорат сири тушунчаси, фарқлари, уларнинг ҳуқуқий асослари, белгиларининг асосий моҳияти ҳамда улар билан бөглиқ шартномавий-ҳуқуқий масалалар таҳлил этилган. Бундан ташқари, “тижорат сири” ва “хизмат сири” тушунчаларининг фарқи, битимлар предмети, маъмурий характердаги муносабатларда хизмат сири, ҳўжалик юритувчи субъектнинг сири, патент ҳимояси билан таъминланмаган холатлар тўғрисида фикр юритилади.

Калим сўзлар: ахборот, тижорат сири, хизмат сири, фирма, веб-сайт, домен, пешлавча, ишилаб чиқарии сири, саноат сири, савдо сири, “ноу-хау”.

ПОНЯТИЕ И СОДЕРЖАНИЕ КОММЕРЧЕСКОЙ И СЛУЖЕБНОЙ ТАЙНЫ КАК СОСТАВНЫХ ЧАСТЕЙ ПРЕДПРИЯТИЯ

Камалов Айбек Ахматович

Начальник заочного факультета Академии Министерства
внутренних дел Республики Узбекистан
доктор юридических наук, профессор

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется понятие служебной и коммерческой тайны в составе предприятия как объекта гражданско-правовых отношений, их правовые основы, значение их основных признаков, а также договорно-правовые задачи возникающие по поводу них. Кроме этого речь пойдёт о различиях между понятиями “коммерческая тайна” и “служебная тайна”, о предметах сделок, служебная тайна в отношениях административного характера, тайна хозяйствующего субъекта, об обстоятельствах при необеспеченных патентной защитой.

Ключевые слова: информация, коммерческая тайна, служебная тайна, фирма, веб-сайт, домен, вывеска, производственная тайна, промышленная тайна, торговая тайна, “ноу-хау”.

CONCEPT AND CONTENT OF COMMERCIAL AND OFFICE SECRETS AS COMPONENT PARTS OF THE ENTERPRISE

Kamalov Aybek Akhmatovich

Head of the correspondence department of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
Doctor of Law, Professor

ABSTRACT

This article analyzes the concept of official and commercial secrets as part of an enterprise as an object of civil law relations, their legal foundations, the meaning of their main features, as well as contractual legal problems arising in connection with them. In addition, we will talk about the differences between the concepts of "commercial secret" and "official secret" on the subjects of transactions, official secret in relations of an administrative nature, the secret of an economic entity, on the circumstances that are not protected by patent protection.

Key words: information, trade secret, official secret, company, website, domain, signboard, trade secret, industrial secret, trade secret, know-how.

КИРИШ

Хизмат ва тижорат сири, ноу-хау ҳам номоддий неъматлар қаторида фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида тан олинади. Бунинг учун бундай сирлар тижорат қимматига эга бўлиши ва қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш учун йўл қўйилмаган бўлиши керак [1]. Демак, фуқаролик ҳуқуқининг янги ва ўзига хос бўлган бундай обьекти ҳам корхона таркибиغا кириши мумкин. Баъзида, мазкур обьектни ифодалаш учун “ахборот” тушунчаси қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ахборотга манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир, деб таъриф беради. Мазкур Қонуннинг З-моддасига мувофиқ, ахборот мулқдори – ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахслар бўлиши мумкин [2]. Демак, ахборот корхона таркибиغا киритилиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ахборотни корхона таркибиша киритиш мумкинми ва улар товар қимматлигига эгами? деган ҳақли савол туғилади.

Маълумки, “ахборот” тушунчаси кенг маънога эга. Ўзбек тили изоҳли лугатида “Ахборот – иш, воқеа-ходисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот” [3], деб таърифланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фуқаролик-хуқуқий муносабатлар обьекти сифатида ахборот товар хусусиятига эга бўлиши лозим, яъни фуқаролик муомаласида бўлиши, моддий қийматга эга бўлиши (бунда ахборотга бўлган хуқуқ мулкий характерга эга бўлади) ҳамда одамларнинг эҳтиёжини қондириш хусусиятига эга бўлиши керак. Албатта, тижорат сири бундай хусусиятларга эгадир. Фуқаролик хуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасига кирмайдиган маълумотлар ҳам ахборот бўлиши мумкин. Бундай маълумотларни эса фуқаролик хуқуқининг обьекти деб бўлмайди (масалан, бундай маълумотлар давлат сири бўлиши мумкин). Ҳамма учун очиқ тарзда бериладиган ахборотлар ҳам атрофдагилар учун манфаатли бўлади. Масалан, ТВ даги об-ҳаво маълумотлари, самолёт ва поезд жадваллари. Бироқ, улар сотиладиган бўлса, ҳеч ким сотиб олмаслиги аниқ. Чунки, уни истаган одам текин қўлга киритиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, у моддий қийматга эга эмас ва пул билан баҳоланмайди.

Аксинча эса, махфий ахборотлардан фойдаланувчиларнинг рўйхати чегараланган бўлади. Бундай ахборотлардан бири бу тижорат сири бўлиб, унинг тушунчаси ФК 98-моддасида берилган. Ўзбекистон қонунчилигида “тижорат сири” тушунчаси 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни [4] қабул қилиниши билан қўлланилиб бошланди.

Тижорат сирини давлат сиридан фарқлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонуннинг [5] 1-моддасида “давлат сири” тушунчаси ва унинг доираси белгилаб берилган бўлиб, давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган “Тижорат сири тўғрисида”ги қонуннинг [6] 3-моддасига мувофиқ, **тижорат сири** - учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради.

Мазкур қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, тижорат сири қуидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ўз мулкдори учун ҳақиқий ёки потенциал тижорат қимматига эга бўлиши;

қонун хужжатларига мувофиқ ҳаммага маълум ёки ҳамма учун очик бўлмаслиги;

унинг махфийлиги муҳофаза қилиш чора-тадбирлари билан таъминланган бўлиши;

давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир белгиларига эга бўлмаслиги.

Тижорат сирлари доираси эса қатъий бир рўйҳат билан белгиланмаган, чунки у турли мулкдорларга тегишли бўлишига қараб ҳар турлича бўлиши мумкин. Давлат сири давлат кучи билан муҳофаза этилади, тижорат сири эса – мулкдор томонидан ҳимоя қилинади. Хусусан, И.Насриевнинг фикрича, хизмат ва тижорат сири ҳисобланган ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган бўлсагина фуқаролик қонун хужжатлари билан ҳимоя қилинади [7].

Кўпчилик муаллифлар томонидан “тижорат сири” ва “хизмат сири” тушунчаларини бир хилда таърифланишини кўришимиз мумкин [8]. Уларнинг фикрига кўра, тижорат сирини уч турдаги маълумот ташкил этади: тижорат ахбороти; ишлаб чиқариш сирлари; корхонанинг ташкилий-бошқарув фаолияти. Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, сирлар икки гурухга бўлинади: хизмат ва тижорат сирларига. Бундай бўлиниши нисбий ҳарактерга эга, чунки фуқаролик муомаласида хизмат сирини сирдан иборат дейиш учун у тижорат қимматига эга бўлиши керак. Шундай экан, хизмат сири деганда, тижорат қимматига эга ва давлат органлари ихтиёрида бўлган сирларни, тижорат сири деганда тижорат қимматига эга ва тижорат билан шуғулланадиган жисмоний ва юридик шахсларда бўлган ахборотларга нисбатан мавжуд сирларни тушунамиз [9].

Демак, хизмат сирларини асосан корхонанинг ташкилий-бошқарув фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ташкил этади. Хизмат сирларига киравчи маълумотлар, одатда битимлар предмети бўлиб ҳисобланмайди. Бироқ, уларнинг ошкор қилиниши корхона мулкдорига моддий зарар ҳамда ишchanлик обрўсига путур етказиши мумкин. Бизнинг фикримизча, хизмат сири кўпроқ маъмурий ҳарактердаги муносабатларга тааллуқли бўлиб, улар ошкор этилганда маъмурий таъсир чоралари кўрилиши лозим.

Қонунчилигимиздаги тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ҳимоя қилишга доир нормалар янгилик десак, муболаға бўлмайди. Шу боис,

уларга нисбатан ривожланган мамлакатларнинг мазкур соҳадаги тажриба ва амалиёти муайян даражада ўз таъсирини ўтказади. Адабиётларда тижорат сирига оид турли атамалар қўлланиланишини қўришимиз мумкин: ишлаб чиқариш сири; саноат сири; савдо сири; “ноу-хай” ва бошқалар. Бир сўз билан айтганда, буларнинг ҳаммаси ФК 98-моддасида тижорат сири деб белгиланган, хўжалик юритувчи субъектнинг сиридир. Кўпинча “ноу-хай” (ишлаб чиқариш сири) атамаси ишлатилади. Амалиётда, ноу-хай деганда патент ҳимояси билан таъминланмаган ёки эгаси патентлашни истамай сир тутишни лозим топган, тенологик жараён ва қурилмалардан фойдаланиш усуллари ҳамда техник ечимлари тушунилади. Булар ишланаётган ва расмийлаштирилаётган ихтиrolар тўғрисидаги маълумотлар, дастурий таъминот, рецептлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Корхона мулқдори интеллектуал фаолият натижаларини патент билан расмийлаштирмасдан фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш сири ҳисобланган маълумот (ноу-хай) фуқаролик ҳуқуқининг мустақил обьекти ҳисобланади.

Мамлакатимизда у ёки бу маълумотни тижорат сирига киритишини тартибга соловчи норматив акт мавжуд эмас. Қандай маълумотларни тижорат сири сифатида белгилашни корхона мулқорининг ўзи хал қиласиди. Корхона мулқдори у ёки бу маълумотни тижорат сирига киритиш масаласини хал қилишда, энг аввало корхонанинг иқтисодий манфаати ва хавфсизлигидан келиб чиқади. Бунда, тижорат сирига ноу-хай (ишлаб чиқариш сирлари), тугалланмаган техник ишланмалар тўғрисидаги маълумот, шунингдек, корхона раҳбари томонидан тузилган шартномаларнинг мазмуни ва айrim холларда шартнома тузиш тўғрисидаги маълумотлар ҳам киради.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. / Масъул мухаррирлар: Мир-Акбар Раҳмонқулов, Ислом Анортове/; I-жилд. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1997. –Б. 235. (Rakhmonkulov H. General descriptions and comments to part one of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan. / Responsible editors: Mir-Akbar Rakhmonkulov, Ismoil Anortoev /; 1 year. -T.: "World of Economics and Law", 1997. –P. 235.)
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.(Bulletin of the Oliy Majlis of

the Republic of Uzbekistan, 2003, No. 1, article 2; 2015, No. 52, article 645; National Database of Legal Documents, April 19, 2018, No. 03/18/476/1087)

3. Ўзбек тили изоҳли луғати. Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси А. Навоий номидаги тил ва адабиёт институти.Т., 2006. Б. 119-120 (Explanatory dictionary of the Uzbek language. Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan Navoi Institute of Language and Literature. T., 2006. P. 119–120)

4. Мазкур қонун 2001 йил 20 январдан ўз кучини йўқотган. (This law expired on January 20, 2001)

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 232-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда (Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1993, No. 5, article 232; Bulletin of the Chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2019, N 2, article 47)

6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 463-модда. (Collection of documents of the Republic of Uzbekistan, 2014, No. 37, article 463)

7. Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишининг фуқаролик-ҳуқуқий муоммолари. – Тошкент.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006.–Б.10 (Nasriev I.I. Civil law problems of the implementation and protection of personal non-property rights. Tashkent: Publishing house Gafur Gulam, 2006 .-- P. 10.)

8. Правовая охрана интеллектуальной собственности: Учебное пособие/ Под.общ.ред. В.Н. Дементьева. -М.: НИЦПРИС, 1995. -С. 105.; Брагинский М.И.Комментарий к Закону Российской Федерации «О государственной регистрации прав на недвижимое имущество и сделок с ним».-М.: Юридический дом «Юстицинформ», 1999.-С. 64.; Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. II-қисм / Муаллифлар жамоаси: М. Абдусаломов, Х. Азизов, Б. Ахмаджанов ва бошқ. – Т.: Адолат, 2007. –Б. 730. (Legal protection of intellectual property: Textbook / Podb. ed. V.N. Dementieva. -M.: NIKPRIS, 1995. -P. 105.; Braginsky M.I. Commentary on the Law of the Russian Federation "On state registration of rights to real estate and transactions." 64.; Civil rights. Textbook. Part II / The team of authors: M. Abdusalomov, H. Azizov, B. Akhmadzhanov and others. –T.: Adolat, 2007. –P. 730)

9. Раҳманқұлов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма.- Т.:ТДЮИ, 2009.-Б. 112 (Rakhmankulov H. Objects of civil law. Textbook.-T.: TSUL, 2009.-P. 112)